



# YOSHLAR OVOZI

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING IYIGIRMANCHI YALPI MAJLISI TU'GRISIDA AXBOROT

2019 йил 21 июнь кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси иш бошлади.

Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Олий Мажлис Сенатининг бугунги ялпи мажлиси барқарор миллий тарракчиликнинг янги босқичида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотлар жадад олиб борилаётган масъулиятли бир пайтда бўлиб ўтмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Харакатлар стратегиясида белгиланган устувор мақсадлар ҳалқимизнинг фидокорона меҳнати тўғрисида янги амалга оширилаётгани, миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Президентимиз ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини янада яхшилаш, Ўзбекистоннинг халқроқ майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришда Сенатнинг роли ва таъсирини ошириш зарурлигини таъкидлади. Биз Сенат деганда, биринчи навбатда, миллий парламентиимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини

амалда намоён этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз. Сенатор — бу халқнинг юксак ишончини қозongan вакил, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида хотин-қизлар учун муносиб иш ва турмуш шароити яратиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аёлларнинг социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида ург берди.

Бир нарсани тан олиш керак: аёллар халқнинг дардини бошқалардан кўра чуқур ҳис қилади. Бу йил декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда аёлларимиз қанчалик кўп сайланса, бундан давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам фақат наф кўради, деди Президент.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида янги — Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича кўмита тузишини тақлиф этди.

Янги мажлисда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Маълумки, 2015 йилдан буён Сенат Раиси бўлиб ишлаб келаётган Нигматилла Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлангани муносабати билан лавозимидан муддатидан олдин озод этилган эди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон

Республикаси Конституциясининг 86-моддасига асосан, Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари — Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимига ишлаб келган Танзила Норбоева номзодини тақлиф этди.

Юқори палата аъзолари номзод туғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Танзила Норбоева билими, тажрибаси, ватанпарварлиги, жамиятдаги обрў-эътибори, инсоний фазилатлари билан ушбу лавозимга муносиблиги, Сенат фаолиятини бугунги кун талаблари асосида тақомиллаштириш бўйича Президент нутқида баён этилган устувор вазифаларни амалга оширишга қодир эканини таъкидладилар.

Сенаторлар томонидан яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Танзила Норбоева сайланди.

Танаффусдан сўнг сенаторлар ўз ишини давом эттирдилар ва "Туризм туғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Хўжжат туристик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал базасини шакллантириш, миллий туристик маҳсулотни ички ва халқаро бозорларида танитишга қўмаклашиш, саёҳат индустриясини ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилгани таъкидланди.

(Давоми 2-саҳифада).

## 30-iyun — Yoshlar kuni

### ҲАҚИҚАТ ТАРАФДОРЛАРИ МАЙДОНИ



Президентимизнинг 2017 йил 5 июлидаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш туғрисида"ги фармонига кўра, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигида Республика ёш ижодкорлар кенгаши ташкил этилди.

Кенгаш назм, наср, драматургия, журналистика, таржима, расмчилик ва фотография йўналишларида ёшларнинг истеъдод ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида фаолият юртимокда. Ушган вақт майдонда кенгаш республика ва халқаро миқдосда қатор лойиҳа, танлов ва фестиваллар ташкил этди.

— Хозирга қадар 6 миң 800 га яқин ижодкорни сарфимизга жамладик, — дейди кенгаш раиси Меҳринос Аббосова. — 2017-2019 йилларда олти йўналишни ўз ичига олган республика форуми, тўртта ижод фестивали, "Изоҳ" ижодий ишлари, "Февраль ҳайратлари" ишонч таловларини ўтказдик. Бўстонлик туманидаги "Ёшлар" орамоқсизда ўтган I Республика ёш ижодкорлар форумида 150 дан зиёд ёш таниланди. "Мархабо, шеърнам!" номли ёшлар муношарасида янги истеъдодлар кашф этилди. Германия, Хитой, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Туркия ва Озарбайжондаги ёш ижодкорлар ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик.

#### БАҲОРДА БЕРИЛГАН БАҲОЛАР

2018 йилнинг апрель ойида Шаҳрисабада илк бор "Ўзбекистон баҳори" ижод фестивали ўтказилди. Асосий мақсад икtidорли ёшларини анклаш, ижодий ишларини кенг омма ва соҳа мутахассислари эътиборига ҳавола этиш эди. Фестиваль доирасида малакали устозлар маҳорат дарсларини ўтказди. Дарслар гуруҳлар кесимида бўлиб, 100 нафар иштирокчининг хар бирига ўз истеъдодини намоён қилиш имконини яратилди. Ижодий ишлар устозлар томонидан ҳолис баҳоланиб, голиблар муносиб тақдирланди. Шу йил май ойида эса Хива шаҳрида II аънаваний ижод фестивали ўзгача руҳда ўтди.

#### САМАРҚАНД ОҚШОМЛАРИ

2018 йилнинг 14-16 ноябрь кунлари "Самарқанд шеър оқшомлари" туркий тили ёшлар халқаро анжумани ташкил этилди. Унда Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Озарбайжон, Туркия давлатларидан 50 нафар ҳамда юртимиздаги ёш шоирлар иштирок этди. Ижтимоий тармоқларда #samarqandda\_mushoiga ҳештеги остида видеороликлар намоён этилди.

Лойиҳани Туркия, Қозғистон, Туркманистон ва Қирғизистоннинг 40 га яқин босма ва электрон нашрлари, Озарбайжоннинг "АзерТВ" телеканални кенг ёритди. Бу ижодий алоқаларнинг мустаҳкамлашишига ҳизмат қилди.

### ИЖОДКОР — ҲАҚИҚАТ ТАРАФДОРИ. У ХАЛҚ ДАРДИНИ АЙТИБ, ҚАЛБЛАРГА КИРИБ БОРАДИ, КЎНГИЛЛАРНИ ЭЪГУЛИК НУРЛАРИ ИЛА ЧАРОҒОН ЭТАДИ. АДАШГАННИ ЭГРИ ЙЎЛДАН ҚАЙТАРИБ, ТЎҒРИЛИК САРИ ЭЛТАДИ. ЖАМИЯТДА ИЖОДКОРЛАРНИНГ КЎПАЙГАНИ КЕЛАЖАКНИНГ БАРДАВОМЛИГИДАН НИШОНА.

#### ТАРЖИМОН — ЧИЗМАКАШ ЭМАС, РАССОМ!

Таржима санъати кишидан нафақат билим, балки алоҳида истеъдод, тафаккур кенглигини талаб этади. Зеро, Асқад Мухтор айтганидек: "Таржимондан аниқлик талаб қилманг. У чизмакаш эмас, рассом!"

Миллий адабиётимиз намуналарини жаҳонга кенг тарғиб қилиш, бадий таржима йўналишида эланишлар олиб бораётган ёш ижодкорларнинг маҳоратини ошириш, уларга қўмак бериш мақсадида кенгаш томонидан самарали ишлар олиб боришмоқда. 2017 йил 13 декабрь кунини Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўпоннинг "Кеча ва кундуз" романини инглиз тилига ўғирган, америкалик адабиётшунос олим, таниқли мутаржим Кристофер Форт ҳамда халқаро журналист ва таржимон Шухрат Сатторов иштирокида ёш таржимонлар билан маҳорат дари бўлиб ўтди.

2018 йилнинг 2-5 июни кунлари Бўстонлик туманида инглиз, рус, араб, турк, хитой, немис тиллари йўналиши бўйича "Ёш таржимонлар мактаби" номли маҳорат дарслари ўтказилди. Ҳафталикда 12 нафар мутахассис ёш таржимонлар билан шугуланди. 20 нафар ўзбек ёзувчисининг сара ҳикоялари турли хорижий тилларга таржима қилинди.

#### 2018 ЙИЛДА:

- Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб "Изоҳ" номли миллий руҳдаги шеър ва ҳикоялар танлови ўтказилди. Миллий гуруҳ ва келажакка ишонч руҳини уйғота олувчи, тарих, тарихий шахслар, миллий қадриятлар, ватанга муҳаббат ва ёшлар ҳаётига доир мавзулар акс этган ижодий ишлар сараланди.
- 17-19 август Жиззах вилоятида "Зомин жилгалари" тасвирий санъат ва фотография анжумани ўтказилди. Ёш рассом ва фотографларимиз ҳамда Россия, Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон давлатларидан 10 нафар ёш фотограф ўз ижодий ишлари билан онлайн иштирок этди. Ўзбекистонда илк бор бу йўналишда ўтказилган лойиҳа мамлакатимизда тасвирий санъат ва фотографларнинг янги авлоди етишиб чиқаётганини, бундай анжуманларнинг мунтазам ўтказилиши зарурлигини кўрсатиб берди.
- "Жилгалар қўшиғи" номли ёшлар баёзи, Жонтемир Тоштемуровнинг "Дарвеш қўшиғи", Насрулло Эргашнинг "Иккимиздан қолсин аланга", Муҳаммадхон Юсуповнинг "Қисқа ҳикоялар", Шухрат Сатторовнинг "Анор", "Замонамиз қахрамонлари" номли муаллифлик китоблари кенгаш томонидан нашр этилди.
- Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда "Макродунё" инновацион мобилрография фотокурғазмаси ҳамда "Мафтун" номли расмлар курғазмаси ташкил этилди.

Олдига катта мақсадларни қўйиб, самарали фаолият кўрсатаётган Республика ёш ижодкорлар кенгаши билдирилган ишончини оқлашга нишонамиз!

Рўзиқул ОЧИЛОВ

## Hokim va yoshlar



### ОЧИҚ МУНОЗАРА

#### Жиззах шаҳри ҳокими Акбар Шуқуров етакчи, фаол ва ташаббускор ёшлар билан учрашди.

"Ёшларга эътибор — келажакка эътибор" мавзусида ташкил қилинган жонли мулоқотда тadbиркорлик билан шугулланаётган, спорт ва бошқа соҳаларда

салмоқли ютуқларга эришган йигит-қизлар қатнашди. Улар ҳокимдан турли саволларга жавоб олди ҳамда тақлиф-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.



Элдор НАВРЎЗОВ. Муаллиф олган сурат.

#### Китоб дўкони очилди

Президентимизнинг бешта муҳим ташаббусини амалга татбиқ этиш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида Катта тумани марказида "Китоблар олами" савдо дўкони иш бошлади. Янги зиё масканининг очилиши китобхон ёшлар учун одам-олам қувонч бағишлади.

Тadbирда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Беғмат Очилов сўзга чиқиб, юртимизда яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланишимиз кераклигини таъкидлади. Шунингдек, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шавкат КАРОМОВ

#### Танлов давом этади

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Олий суд, Адлия, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "Ёшлар ва қонуни" танловининг республика босқичи бўлиб ўтмоқда. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар жамоалари иштирок этапти.

Беллашулар "Суд мажлислари модели", "Ҳуқуқий савол-жавоб", "Видеоролик тақдими", "Ҳуқуқнинг аниқлиги" шартлари бўйича ўтказилмоқда.

Жамоалар биринчи шарт бўйича мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар, одил судлов тизимини яратиш борасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб берди. Барча ҳудудларда судларнинг адолатли фаолиятини тақомиллаштиришга оид амалий тақлифлар тақдим этилди.

Қолган шартлар бўйича беллашулар 22 июнь санасига белгиланган.

Хусния САЛИМОВА









30-iyun — Yoshlar kuni

РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ ТАҚДИРЛАР



Иттифоқ қошида тузилган Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши ўзининг бир ярим йиллик фаолиятини сарҳисоб қилди...

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН САЛКАМ 600 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗ ЁШЛАР ИТТИФОҚИ КАФИЛЛИГИ АСОСИДА СУД ЗАЛИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ.

Кафилликка олишнинг ўзига яраша талаб-қондалари бор. Масалан, ижтимоий ҳавфи юқори жиноят турларида жазони юмшатиб бўлмайди.

Бугунги кунгача 518 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Айримлари тадбиркорлик фаолиятига жалб қилинган.

Жамғарма юридик хизмати раҳбари Нодирбек Отахонов маълум қилганидек, шу пайтгача молиялаштирилган бизнес лойиҳаларининг жуда оз қисми суд залидан озод этилган тендошларимиз хиссасига тўғри келади.

— Сабаби имтиёзли кредит олишга муносиб номзодлар рўйхати йилда фақат бир мартаба шакллантирилиб, олдидан тасдиқланади, — ту-

— Исталган мамлакатда ёшлар ташкилотлари ўз контингентининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмай, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ҳам интилади, — таъкидлади Тошкент давлат юридик университети



Баҳром ИЛҲОМЖОНОВ, Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши раиси:

“ҲАР КУНИ БИЗГА ФАРЗАНДИГА ЁРДАМ БЕРИШНИ СЎРАБ ЎНЛАБ ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТ ҚИЛАДИ. БАЪЗАН ЖУДА АЯНЧЛИ ТАҚДИРЛАРГА РЎБАРЎ КЕЛАМИЗ. АФСУСКИ, БАРЧА МУРОЖААТЛАРГА ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПИШНИНГ ИЛОЖИ ЙЎҚ”.



Р. НАЗАРМАТОВ

рига жалб қилинади. Судланган ёшларнинг бандлигига қўмақлашиш ҳам кафилликка олувчи ташкилот зиммасидаги устувор вазифа саналади.

шунтирди мутахассис. — Табиийки, ундан кейин кафилликка олинган ёшлар бизнес бошлайман деса, яна бир йил кутишига тўғри келади. Тез орада Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорлик меморандумини имзолаб, бундай тўғри унчун истисно ҳолатларини кўзда тутоқчимиз.

катта ўқитувчиси Бекзод Наримонов. — Масалан, Европада Ёшлар парламенти, Ёшлар омуздаси каби кўнгилли тузилмалар мавजूд. Уларни муайян соҳага ёки фаолият турига қизиқувчи йигит-қизларнинг ўзлари шахсий ташаббуси асосида ташкил қилган. Ўзбекистон-

билишга интилаётганини кузатдим, — дейди Баҳром Илхомжонов. — Бирок шундай ҳамкорларимиз ҳам борки, ҳаётга бевосита алоқадор қонунлар туғулди, ҳатто конституциявий мейёрлардан беҳабар. Болалар, ёшлар тоифасига қимлар кириши, парламент нечта палатадан

Кафилликка олинган ёшлар билан бир йил мобайнида индивидуал дастур асосида ишланади

да ҳам волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш керак. Ишончим комилки, кўнгилли ёшлар ҳуқуқий тарғибот билан ҳам самарали шугуллана олади.

Дарвоқе, тарғибот ҳақида. 2018 йилда Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавият нотиҳорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг грант танловида ғолиб бўлган. Натيجада барча ҳудудларда интерфаол суҳбатлар олиб борилиб, йигирмага маҳаллава “Ҳуқуқий-маслаҳатхона” бурчаклари ташкил қилинди, шунингдек, “Ёшлар келажакни қонунга риоя этишдан бошланади” номли оммабоп қўлланма чоп этилди.

— Ёшлар билан мулоқот давомида улар ислохотларга ҳайрихоҳ экани, ҳақ-ҳуқуқларини

иборатлигига қанча депутат сайланишини билмайди. Бу эса ҳуқуқий тарғибот йўналишида жиддий ишлашиши кераклигини аниқлатади. Кенгашнинг www.uzyhk.uz веб-сайти фаолит қўрсатмоқда, ижтимоий тармоқларда махсус каналлар очилган. Бевосита ёки интернет орқали онлайн маслаҳатлар беришни йўлга қўйганмиз. Ҳозир аҳолининг кенг қатламлари учун мобил йўла ишлаб чиқяёмиз. Унинг ёрдамида ҳар бир фуқаро билиши зарур бўлган маълумотлар виқторина ёки ўйин шаклида тақдим этиб борилади. Келгусида ҳамкор ташкилотлар, жумладан, “Юксалиш” умумийлик ҳаракати билан янги лойиҳалар яратиб, ёшларни малакали ҳуқуқий хизмат билан таъминлашни мақсад қилдик.

Н.БАҲОДИРОВА

Иттифоқ суд залидан озод этилган 518 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлади



Tanlov

Ёш дизайнерлари

Июнь — Ёшлар ойлиги муносабати билан ёш дизайнерлари қўллаб-қувватлаш мақсадида Иттифоқнинг Хоразм вилояти кенгаши, Республика ёш дизайнерлар кенгаши ва “Лолаҳон ҳоус” модаль уйи ҳамкорлигида Урганч туманидаги “Улди ҳовли” сәйёҳлик мажмуасида модаль намоишини танлов ўтказилди.

Унда вилоятдан 8 нафар, Тошкент шаҳридан 1 нафар истеълоли дизайнер ўзининг либослар жамланмаси билан иштирок этди. Ҳар бир қолдиққа 25 талон либос намоиши этилди.

Сумбулай НУРМЕТОВА

“Туйғулар шаҳарчаси”

Чироқчи тумани маданият марказида “Ижодкор ёшлар” адабий тўраги 50 нафар аъзосининг ижод намуналарини киритилган “Туйғулар шаҳарчаси” номи тўплам тақдими ўтказилди.

Тадбирда муархум шоира Бахтинисо Маҳмудова ҳам хотирланиб, тўгарак аъзолари томонидан шоиранинг ижодидан намуналар ўқилди.

Исламбек АХМАДОВ

Коррупция — адолат кушандаси

Олмасор туманидаги Тошкент банк коллежида ёшларда коррупциянинг салбий оқибатлари ҳақида тўшунча уйғотиш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Коррупция — адолат кушандаси” мавзуда ишолар танлови ўтказилди.

Унда коллежнинг 3-босқич ўқувчиларидан 400 нафари қатнашди. Дастлаб иштирокчилар учун олти соатлик “Коррупцияга қарши кураш”, “Коррупция нима?” мавзуда махсус курслар ташкил этилди.

Унда соҳа мутахассислари ва ўқитувчилар ёшларга бу иллат ҳақидаги фикрларини сўзлаб берди.

Танлов қатнашчилари коррупциянинг жамият тараққиёти кушандаси экани ҳақидаги фикрларини эркин баён этди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Азим АХТАМОВ

Миллий университет — миллат кўзгуси

Президентимизнинг 2019 йил 18 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тўқатилган тақомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” энг қарори олий таълим муассасаси олдидан энг устувор вазифаларни белгилаб берди.

Миллий университет даражаси, қайсибир маънода, миллатнинг интеллектуал салоҳиятини кўрсатади. Таълим-тарбия юксак даражада ташкил этилган жойда савия баланд бўлиб, ташаббускорлик, креативлик тараккий этади. Шунинг учун ҳам тўққиз қисмлар билан ишлаб чиқиш ва таълим тизимини тўқдан ўзгартаришнинг кун тартибига қўйилиши табиий жараёндир.

Университет халқаро рейтингта киритилмаган, жаҳон андазаларига жавоб бермайди, каби эътирозлар қулоққа бот-бот чалинади. Бу гапда жон бор. Қачон университет автоном бўлса, қандайдир вазирлик ва маҳкамаларга боғланиб қолмаса, ривожланади. Яъни таълимни яхшилаш учун зарур барча чоралар, камчиликлар шу масканнинг ўзида танқидий ва ҳар томонлама таҳлиллар асосида аниқланиб, масалалар бартараф этилсагина, бирор натижага эришиш мумкин.

Етақчи ҳорижий илмий марказлар билан ҳамкорлик паст даражада экани, илм-фанда эришилаётган натижалар халқаро манбаларда кўзга ташланмаётгани қарорда тилга олинган.

Ҳориждан жалб қилинган малакали профессор ўқитувчилар талабаларимиз имкониятини, менталитетимизга ҳос жиҳатларни ҳисобга олиб иш кўрса, самара беради. Лекин бу тадбирга айлан-тирилиб, шунчаки, номига уюштирилса, натижа бўлмастлигини кўриб турибмиз.

Талабаларни дарсда, ётоқхонада, ҳатто таълимга чиқиб кетган вақтда ҳам бошқармочки бўлаемиз. Бошқарилмаган одамдан ҳеч қачон муваффақият чикмайди. Эркин фикрлаш, излаш, ўрганишга, ҳатто хато қилишларига имкон бериш керак. Акс ҳолда ташаббускорлик ҳам, ижодкорлик ҳам бўлмайди!

Шунингдек, қарорда синовдан ўтган, халқаро стандартларга мувофиқ замонавий педагогик технологияларни таълимга жорий этиш даражаси пастлиги ҳусусида айтилган. Таълим технологиялари мақсад эмас, восита бўлиши лозим. Афсуски, бизда кўпчилик мақсад билан воситанинг ўрни алмаштирилди. Яъни у бирор арирди натижа бераётгани учун эмас, азбаройи янги педагогик технология бўлгани учун қўлланилади...

Бу қарор билан биргана Миллий университетда эмас, балки Ўзбекистондаги бутун олий таълим тизимини ўзгариш бўлади. Зеро, Миллий университет қолган барча олий таълим муассасалари учун намуна, ўрнақдир.

Қозоқбой ЙҮЛДОШЕВ, филология фанлари доктори, профессор

“Туризм қишлоғи” қурилади

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлигида Паркент туманидаги Қумушқон маҳалласида “Туризм қишлоғи” ни барпо этиш режалаштирилмоқда.


Худудни типик ўзбек қишлоғига айлантириш, хонадонларда туризм муҳитини яратиш, қишлоқ аҳолиси ёрдамида миллий маданият ва урф-одатларини намоиши қилиш орқали туристларни кенг жалб этиш мақсад қилинган.

Бунда меҳмон уйлари, этноқишлоқ, миллий таомлар, ҳунармандлар, санъаткорлар кўчаси, хонадонларда халқ кутубхонаси, халқ ўйинлари ва спорт майдончаси, ўтовлар шаҳарчаси, туризм ахборот маркази, велосипедларни ижарага бериш, отларда сайрини ташкил қилиш хизмати йўлга қўйилди.

Мазкур лойиҳа қишлоқда 450 нафар аҳолини иш билан таъминлайди. Худудда 50 миллион сўмлик туризм хизматлари йўлга қўйилди. Бунинг натижасида қишлоққа келувчи туристлар сонин 50 мингдан 250 минг нафарга (шундан чет элликлар 60 минг нафар) ортиши кутулмоқда.

Рисолат МАДИЕВА

Yoshlar ittifoqi loyihalari



ТЕРМИЗ ШАҲРИДА ЁШЛАР ИТТИФОҚИНИНГ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ “ЁШЛАР ОЙЛИГИ” ДОИРАСИДА “ЎЗБЕК-ТОЖИК” ЁШЛАР ФОРУМИНИ ЎТҚАЗДИ.

5 ТАШАББУС БИЛАН ТАНИШУВ

Икки давлат ёшлари ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, Президентимиз илгари сурган беш ташаббусни кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган форумда иштирок этадиган меҳмонлар Сарбосиё чегара пунктида тантанали кутиб олинди. Дийдорлашув чоғидаги суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари тамомил янги таълим тизимини ўзгариш бўлади. Зеро, Миллий университет қолган барча олий таълим муассасалари учун намуна, ўрнақдир.

Форум доирасида Термиз шаҳридаги Алиб Собир Термизий номидаги Ахборот-кутубхона маркази, Археология музейи, “ЗИ” текстиль корхонаси ҳамда бошқа диққатга сазовор жойларга саёҳат ташкил этилди.

Форум иштирокчилари Афғонистон фуқароларини ўқитиш марказида бўлиб, ҳорижлик ёшларга яратилган шароитлар билан танишди. Ёшлар марказидаги форумнинг очилиш маросимида Иттифоқнинг вилоят кенгаши раиси Шерзод Олим меҳмонларга бешта муҳим ташаббуснинг мазмуни-моҳияти ҳақида тўшунча берди. Турсунозда шаҳар маданият бошқармаси мудири Шаҳзод Бердиев форумнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб, самимий меҳмон-дўстлик учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдирди.

— Ўзбекистонга биринчи бор келишим, — дейди Турсунозда шаҳри туристик ташкилоти раҳбари Шерзод Зиедуллаев. — Қадимий Термиз шаҳри менга жуда ёқди. Воҳанинг диққатга сазовор жойларига ташкил этилган саёҳат келгусида туристик йўналишида ҳамкорлик қилишимизга туртки бўлади, деб ўйлайман. Бу каби тадбирлар ўзбек-тожик ёшлари ўртасида меҳр-оқибат, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ишонаман.

Санъат саройида ташкил этилган концерт дастури уч давлат — Ўзбек, тожик ва афғон ёшларини бир жойга жамлади. Ҳушовоз хонанда, танлики санъаткорлар томонидан ижро этилган куй, қўшиқ, рақслар йирилганларга ҳушқайфият улашди.

Нарғиза РАҲМАТУЛЛАЕВА





## Prezident tashabbuslari — amalda

SURXON YOSHLARINING  
QALB TUG'YONLARI

Prezidentimiz ilgari surgan besh muhim tashabbus ijrosini o'rganish va bu borada amaliy yordam ko'rsatish maqsadida bir guruh ma'rifat targ'ibotchilari, olim va shoirlar, san'atkorlar Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi hamda Yozuvchilar uyushmasi yo'llanmasi bilan Surxondaryo viloyatiga bordik.

Dastlab Ma'naviyat va ma'rifat markazining viloyat bo'limi rahbari Firdavs Sharipov hamrohligida Termiz shahridagi 12-Mehribonlik uyining shart-sharoitlari — keng va yorug' xonalari, mo'jaz kutubxona, kompyuter xonasi, turli to'garaklar, sport maydonchasi ko'zdan kechirdik.

Uchrashuvda tarbiyalanuvchilarga besh muhim tashabbus, uning yoshlar hayotida tutgan o'rni haqida tushuncha berildi. Mehribonlik uyi direktori Dilbar Suyunovaga Markaz tomonidan chop etilgan besh ta muhim tashabbusning mazmun-mohiyati aks etgan "Besh ta muhim tashabbus — ertamiz egalari istiqbolli yo'lida" nomli risola topshirildi.

Targ'ibot guruhining navbatdagi manzili Respublika Mudofaa Vazirligi Janubiy-g'arbiy maxsus okrugi qarasli harbiy qism bo'ldi. So'nggi yillarda harbiy xizmatchilarning ma'naviyat ma'rifiy dunyoqarashini yuksaltirishga katta e'tibor berilayotir. Harbiy qism kutubxonasi jahon va o'zbek adabiyoti durdonalari hamda harbiy mavzudagi adabiyotlar, Shiroq, To'maris, Jaloliddin Manguberdi, Temur Malik, Amir Temur kabi ajdodlarimiz, xizmat burchini bajarish chog'ida halok bo'lgan harbiy xizmatchilarning jasorati, hayot yo'li haqidagi kitoblar bilan boyitilgan.

Harbiylarimiz axborot texnologiyalaridan xizmat jarayonida va o'z professional mahoratini oshirishda foydalanayotgan bo'lsa, jismoniy tarbiya va sport ularning jangovar tayyorgarligini oshirishda, xizmat jarayonidagi har qanday to'siq va qiyinchiliklarni bardosh bilan yengib o'tishlarida qo'l keladi.

Bir so'z bilan aytganda, Prezidentimiz ilgari surgan besh tashabbus harbiylar hayotida ham muhim ahamiyat kasb etmoqda, — deydi harbiy qism boshlig'i, podpolkovnik Uchqun Tojiyev.

Uchrashuvda iste'dodli harbiylar rag'batlantirilib, harbiy qism kutubxonasiga yangi kitoblar sovg'a qilindi.

Shundan so'ng Termiz tumanida joylashgan Afg'oniston fuqarolarini o'qitish ta'lim markazi tomon yo'ldik.

Ayni damda markazda 122 nafar talabdan 96 nafari o'zbek tili va adabiyoti bakalavr ta'lim yo'nalishi bo'yicha, 26 nafari esa temir yo'l ta'lim yo'nalishlarida tahsil olyapti. Ammo ilgama intiluvchan afg'onistonlik yoshlar shuning o'zi bilan cheklanib qolgan yo'q. Ular o'qishdan bo'sh vaqtda tasviriy san'at, naqqoshlik, kulochilik, haykaltaroshlik va hunarmandlikning boshqa turlari bilan shug'ullanadi. Xorijlik talabalar ijod mahsul bo'lgan — loydan yasalgan haykalchalar va kulochilik namunalari, rasm, natyurmort va portretlar, oddiy qog'oz va somondan tayyorlangan va yurtimizning tarixiy obidalarini aks etgan portretlar targ'ibot guruhi diqqatini tortdi. Markaz direktori Oybek Ro'ziyev o'quv binosi yonidagi "Tuyalar karvoni" monumenti ham talabalar ijodi ekanini ta'kidlar ekan:

Talabalarimiz tayyorlangan haykalchalaridan shahrimizning turli bog' va xiyobonlarini bezatishda foydalanilmoqda, — dedi faxr bilan.

Afg'onistonlik talabalar uchrashuvda yurtimizda hukm surayotgan tinchlikka havas qilishi haqida gapirib, mana shunday zamonaviy, keng va yorug' xonalarda ta'lim olishlari uchun imkoniyat


yaratib bergan ikkala davlat Prezidentiga minnatdorlik izhor etdi. Ular bir ovozdan mamlakatimizda amalga oshirilayotgan yirik loyiha — besh muhim tashabbus haqida tasavvurga ega ekanini o'qishni bitirib vataniga qaytgach, shu kabi ezu ishlarni o'z mamlakatlarida ham joriy etish niyatida ekanini ta'kidladik.

— Yurtimizda kitobga, adabiyotga bo'lgan e'tibordan xursandman, — deydi

markaz talabasi Asadulla Bashish. — Kitob ezigulik oftobi singari insonni faqat yaxshilik sari yetaklaydi. Yurtimizda biz uchun mana shunday imkoniyat yaratib berilgan o'zbekistonliklarning kitobga munosabati va uning ijobiy samarasi desam, mubolag'a bo'lmaydi. Buning uchun xalqingiz va albatta Prezident Shavkat Mirziyoyevga o'z minnatdorligimizni bildiramiz.

Tadbir davomida o'zbek-afg'on do'st-

## Iste'dodli harbiylar rag'batlantirilib, harbiy qism kutubxonasiga yangi kitoblar sovg'a qilindi.



ligini tarannum etuvchi she'r va qo'shiqlar ijro etildi.

Oltinsoy tumanidagi 18-bolalar musiqa va san'at maktabida mashg'ulotlar fortepyano, xoreografiya, xalq cholg'u asboblari, o'zbek xalq cholg'ulari, an'anaviy sozandalik, an'anaviy xonandalik, amaliy san'at, baxshichilik, damli cholg'ular kabi 9 ta yo'nalishda olib boriladi. O'quvchilarning bo'sh vaqtini

qadimiy eron tangalari, Iskandar Zulqarnaynning suvdoni hamda turli sopol haykalchalar va idishlar bor. Ustoz ezgu ishlarga shogirdlarini ham jalb etgan.

Peshoqiga "Ma'rifat karvoni" deb yozilgan avtobusda qishlog' u ovullarni kezar ekanimiz, qalbimda bu oqko'ngil va bag'rikeng xalqqa nisbatan cheksiz mehr uyg'onib, xayolimda ushbu misralar charx urdi:



Kezib Surxon vohasin,  
ko'rdim Surxondaryosin,  
Loyqalanib tez oqqan  
sho'x To'polon daryosin.

Oqko'ngil-u mehnatkash bu  
el qalbidan ko'rdim  
Termiziyar yurti bu,  
degan tug'yon daryosin.

Besh tashabbus yosh avlod  
qalbidan joy olmishdir,  
Mavjantirib san'at-u  
ilm-u urfon daryosin...

Denov, Qumqo'rg'on va Boysun tumanlaridagi ta'lim muassasalari, mahallalarda ochilayotgan xalq kutubxonalaridagi uchrashuvlar ham samarali bo'ldi.

Prezidentimiz ilgari surgan besh muhim tashabbus — besh hikmat, besh ta'lim, besh o'g'it, besh dasturil-amalni xalqimiz, xususan, yoshlarimiz hayotiga tatbiq etish oylalar tinchligi-yu baxtiga, yoshlar kamolotiga, jamiyatda esa mutlaq taraqqiyotga erishishda muhim ahamiyat kasb etishini angladik.

Zikrilla NE'MATOV,  
O'zbekiston Yozuvchilar  
uyushmasi va Respublika "Ma'rifat"  
targ'ibotchilar jamiyati a'zosi

## Bilasizmi?

Me'moriy dizayn tushunchasi zamonaviy tuyulgan bilan, aslida qadimgi ildizlarga ega. U bino-inshootlarni nafaqat mustahkam, balki qulay va did bilan qurishni anglatadi. Bu jihatdan Misr ehromlarini ko'hna dunyo arxitektorlarining ilk san'at asari sifatida e'tirof etish mumkin.



Biroq insoniyat tarixidagi birinchi dizayner-me'mor eramizdan avvalgi davrda yashab o'tgan yunon haykaltaroshi Fidiy hisoblanadi. Uning rahbarligi ostida afsonaviy Parfenon ibodatxonasi qad rostlagan. Bunday mahobatli inshootlar keyinchalik ham gotika, barokko, klassitsizm kabi uslublarda barpo etildi.

## Mutolaa san'ati

Gabriel Garcia MARKES

## SHAFFOF SONATA

GABRIEL GARCIA MARKES (1927 — 2014) — KOLUMBIYALIK TANIQLI YOZUVCHI, NOBEL MUKOFOTI SOHIBI, "YOLG'IZLIKNING YUZ YILI", "BUZUKNING KUZU", "POLKOVNIKA HECH KIM YOZMAYDI" SINGARI KO'PLAB JAHONSHUMUL ASARLAR MUALLIFI.

Ko'pchilik kitobxonlar mendan kitoblarimning musiqa bilan qay darajada bog'liqligini so'rab qoladi. Men o'zim, to'g'risi, hazildan tashqari, shunday derdim: "Yolg'izlikning yuz yili" — bu to'rt yuz sahifalik "Valenato" (mashhur kolumbiya musiqasi — tarjimon), "O'lat davridagi muhabbat" esa uch yuz sakson betlik "Bolero" (ispancha raqs kuyi — tarjimon)dir.

Ayrim subhatlarda e'tirof etganimdek, musiqa yangrab turganda yoza olmayman, chunki yozayotgan narsamdan ko'ra ko'proq yangrayotganga e'tibor beraman. Tan olib aytamanki, o'qigan kitoblardan ko'ra tinglagan musiqalardan ko'proq. Men eshitmagan musiqalar oz qolgan bo'lsa kerak, deb o'ylayman.

Hammasidan ham meni Barselonada bo'lgan bir voqea hay-

ratga solgan edi: meni yo'qlab kelgan ikki yosh musiqachi "Buzrukning kuzi" asarimni o'qib, uning maromi B.Bartokning uchinchi fortepyano konserti ohangini yodga solganini aytdi. Men, albatta, ularning gapini tushunmadim, ammo ushbu kitobim yozilgan deyarli to'rt yil davomida o'sha konsertlarni, ayniqsa, uchunchi konsertni qiziqib tinglagandim, bu ha-

nuzgacha eng sevimli musiqam bo'lib qolgan.

Mana shu voqealardan keyin aytishim mumkinki, agarda biron hurmatli musiqachi yozgan asarlarim orasida eng oddiy bo'lgan "Polkovnikka hech kim yozmaydi" degan povestimdan musiqali kompozitsiya unsurlarini topa olsa, sira ajablanmas edim. Men aslida buni Parijdagi qashshoqlar mehmonxonasida chek qo'shib yuborilishi kerak bo'lgan xatni kuta turib — u baribir kelmadi — sabr-toqat bilan yozganman. O'shanda meni birgina tinchlantiruvchi ovunch radio bo'lgan edi. Ammo musiqa qonuniyatlarini mutlaqo tanish emasman va atayin diatonik ohang maromidagi hikoyani rejalashtirib yaratishim ehtimoldan yiroq.

Menimcha, adabiy hikoyachilik — sehirli mo'jiza, xuddi musiqa singari. Uning ohangi buzilishi sehir oqimini uzib qo'yadi. Men qat'iy amal qilamanki, yangi asarimni ovoz chiqarib o'qib chiqmagunimcha nashriyotga yubormayman, chunki uning ravon o'qilishiga uzil-kesil ishonch hosil qilishim shart.

Matndagi asosiy belgi bu — vergul, chunki u bitobxon nafasini bir maromga soladi va uning ko'ngliga ohang bilan yo'l topadi. Men ularni "nafas vergullari" deb atayman, ularga mutolaaning sehirli ohangini saqlash uchun grammatik qoidalarga amal qilmaslikka ham ruxsat beriladi.

Kitobxonlarga javobim shunday: nafaqat "Polkovnikka hech kim yozmaydi" povestim, balki aksariyat asarlarim ham uyg'un ohangda yaratilgan. Faqat biz, ichki sezgisi uyg' o'quvchilar lab uslub sirlarini sinchiklab o'rganmasak ham bo'ladi, chunki bu mashg'ulotda o'zlar uchun xavf soladigan soddalikni yo'qotishdan boshqa hech narsa yo'q.

Rus tilidan HUMOYUN tarjimasini.

## 1 savolga 1 javob

— Davlat yo'l harakati xavfsizligi xizmati xodimi haydovchi ishtirokisiz avtomobilning davlat raqamini yechib olib ketish huquqiga egami?

Javlon TOJIDDINOV  
Buxoro tumani



Savolga gazetamizning doimiy eksperti, huquqshunos Javohir SHAMUTDINOV javob beradi:

— Avtotransport vositasi texnik ko'rikdan o'tishda nosoz deb topilsa, texnik ko'rikdan o'tmasa yoki tegishli ruxsatlarni olmasdan qayta jihozlangan bo'lsagina, inspektor avtomobilidan davlat qayd belgisini yechib olishga haqli hisoblanadi.

## MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va  
axborot agentligida 2017-yil  
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta  
ro'yaxtdan o'tgan.

## BOSH MUHARRIR

Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov,  
Mehrinov Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,  
Hamza Abdullayev — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"),  
Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Molodezh. Uzbekistana"),  
Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"),  
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Molodezh. Uzbekistana")

## Navbatchi

Boboravshan  
G'OZIDDINOV

## Dizayner

Xurshid  
ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (71) 150-22-74,  
(71) 233-95-97,  
(71) 233-79-69 (faks)



Saytimizga o'tish uchun  
QR-kodni telefoningiz orqali  
skaner qiling.



Bosishga topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 01.25  
O'za yakuni — 00.45